

ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ БИЗНЕСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Сулаймонов Мухридин Махмуджонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, магистратура МИИТ-01 талабаси

Аннотация

Ушибу мақолада мамлакатимиз ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бозорини ривожлантиришининг асослари соҳадаги муаммолар, камчиликлар, мамлакатимизнинг имкониятлари таҳлил қилинди, муаммо ва камчиликлар ечими сифатида холоса ва тавсиялар берилди.


Калимли сўзлар

АҚТ, иқтисодиёт, интернет, инвестиция, компания, бозор, иқтисодий кўрсаткичлар, интеграция, булутли технология, мобил қурилма.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда АҚТ соҳаси миллий иқтисодиётнинг энг тез ривожланаётган секторларидан бирига айланмоқда. Ушбу индустря ривожланишининг ўзига ҳос хусусияти бўлиб, жалб қилинадиган кенг кўламли инвестициялар, ушбу соҳага йирик хорижий компаниялар томонидан қизиқишнинг пайдо бўлиши, бозор иштирокчилари томонидан ўтказиладиган фаол маркетинг сиёсати, шунингдек бозорни аста-секин ва равон ўзлаштириш ҳамда қамраб олиш ҳисобланади.

Ахборот маҳсулоти ва хизматларининг ўсига ҳос хусусиятлари шундаки, ахборот ресурслари АМХни яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Ҳар қандай АМХ уни ишлаб чиқарувчисининг ахборот моделини ифодалайди ва унинг аниқ предмет соҳаси тўғрисидаги тасаввурларини ўзида акс эттиради.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида АМХ тармоғини динамик ривожланишини таъминлаш мақсадида АҚТ соҳасида меъёрий-хукуқий асосни яратишга эришилди. Ушбу мақсадларни амалга оширишнинг натижаси бўлиб, 13 та Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 40 тадан ортиқ қарорлари, шунингдек 600 тадан ортиқ меъёрий-хукуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чоратадабирлари тўғрисида”ги ПФ-5099-сон Фармонлари ва 2013 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуни-кация тизимларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-1989-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини 2013-2020 йилларда ривожлантириш дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳисобланади.



1-расм. Асосий иқтисодий кўрсаткичлар²⁷


Ҳозирда мамлакатимизда ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бизнесини ривожлантириш мамлакатни ижтимоий-иктисодий юксалтириш ва жаҳон ягона ахборот маконига интеграциялаштиришга кўмаклашадиган стратегик йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бизнеси кўрсаткичларининг жадал ўсиши кўп жиҳатдан ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бозорида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг мунтазам қўллаб-куватланаётгани билан боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистонда АМХ индустриясини ривожлантириш учун илғор давлатлар тажрибасини ўрганиб, маҳсус назария ишлаб чиқиш талаб этилади. АМХ индустриясининг ривожланганлик даражаси унинг иқтисодиётдаги улуши билан ўлчанади. Ҳозирда давлат идораларида фойдаланиладиган амалий дастурий маҳсулотларнинг асосий қисми (70%) хорижда ишлаб чиқарилган дастурий, 26 % эса мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ҳиссасига тўғри келмоқда (2-расм).

Мамлакатда истиқболли йўналишлардан бири эркин ва очиқ кодли дас-турий таъминотдан фойдаланиш масалалари ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда “Эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотдан фойдаланишни ривожлантириш дастури” тасдиқланган бўлиб, ҳозирда кенг амалиётга жорий этиб келинмоқда. Шунга қарамасдан очиқ кодли дастурий таъминот асосан таълим тизимида ва коммуникация соҳасида фойдаланилмоқда.

²⁷ www.mitc.uz - Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумоти



2-расм. Давлат идораларида фойдаланиладиган амалий дастурий маҳсулотлар (ишлаб чиқарилган жойи бўйича)²⁸

Ахборот маҳсулотлари ва хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда банд бўлган дастурчилар, шундан кичик бизнес субъектлари, улар томонидан яратилган дастурларнинг ҳажми ва соҳалар кесимида қўлланиш даражасини ўрганиш орқали ушбу йўналишнинг муҳим жиҳатлари очиб берилади.

Мақоламизда маҳаллий ахборот маҳсулотлари ва хизматларни қўйидагича таснифлашни таклиф этамиш:


- мобиљ иловалар;
- электрон тўлов тизимлари (Uzcard, Payme, Click ва бошқалар);
- булатли технологияларга асосланган дастурлар(FileCloud.uz, Dump.uz);
- электрон ҳужжат ва хат алмашув тизимлари (GERMES, E-Hujjat, E-XAT, IS-DocFlow ва бошқалар);
 - банк тизимларини автоматлаштириш ва электрон тўлов дастурлари (ИБС Smart-Bank, АС ЭПН, ИАБС);
 - бизнес бошқаруви учун дастурлар (BusinessCore);
 - бухгалтерия ҳамда ва масофавий ҳисобот учун дастурлар (1UZ, UZTO, БЭМ, E-Report, E-Stat 2.0);
 - меъёрий - хукуқий маълумотлар базаси (Norma, Право, Lex.uz)
 - ахборот хавфсизлигини таъминловчи тизимлар (Himfayl, Калитларни рўйхатга олиш маркази, криптопровайдер);
 - операцион тизимлар (Doppix).

Ахборот маҳсулотлари ва хизматлар миллий бозорида олиб борилган маркетинг изланишлари, талаб ва таклиф, экспорт ва импорт динамикаси, экспорт салоҳиятини ошириш учун институционал ва шарт-шароитлар яратиш АМХ бизнесини ривожлантириш учун муҳим дастак бўлиб ҳизмат қиласи. Бироқ мамлакатимизда ахборот маҳсулотлари ва хизматлар миллий бозорида маркетинг изланишлари ўтказиш имконияти чекланганлиги ёки бундай тадқиқотлар ўтказилмаганлиги сабабли, экспорт ва импорт марказлашган ҳолда амалга оширилмаслиги сабабли уни баҳолаш имконияти вазиятни ўрганишга доир қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

2020-йилда ахборот-коммуникация технологияларига истеъмол харажатлари глобал миқёсда ИДС таҳлилий компанияси маълумотларига кўра, \$1.61 трлн. га этди.

²⁸ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумоти, www.mitc.uz.

**Top Technology Category Based on 5 Year CAGR
(2018 - 2023) (Value (Constant Annual))**




3-расм. АКТ бозорининг энг тез ривожланаётган сегментлари, ИДС 2018-2023 учун прогнози

Мамлакатимизнинг миллий ахборот маҳсулотлари ва хизматлар экспортини рағбатлантириш, маҳаллий ва хорижий инвестициялар жалб қилиниши, дастурий маҳсулотни ташки бозорга чиқариш, шунингдек мамлакатимизда ишлаб чиқиладиган ахборот маҳсулотлари ва хизматлар рақобатбардошлигини ошириш иқтисодиётимиз самарадорлигини ошириб келмоқда.


Жаҳон бозорида дастлабки муваффақиятли қадамларга қарамасдан, Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган АМХни ишлаб чиқиш бозори хали шаклланиш босқичида.

ИДС маълумотларига кўра, ИТ ва телекоммуникация хизматлари бўйича дунё бўйлаб сарф бир 2016 йилда 5 триллион АҚШ долларига етди. Шу билан бирга, Реал ЯИМ тахминан 2,2% га ўсиди. АКТ бозори 2021 йилда 6,5% ва ЯИМ 2,5-2,6% га ўсиши кузатилган.



4-расм. АКТ бозори ва глобал ЯИМнинг ўсиш динамикасини кўрсатувчи график, ИДС маълумотлари²⁹

Ўзбекистонлик айрим дастурчилар ҳалқаро аутсорсинг лойиҳаларида ижобий натижалар билан ишлаётган бўлса-да, Ўзбекистондаги ишлаб чиқувчиларнинг глобал бозорда янада фаол иштирок этишларига тўсиқ бўлаётган муайян объектив сабаблар мавжуд. Бу борада мамлакатимизда хорижий компанияларнинг марказларини сонини ошириш, уларга мустақил дастурчилар ва кичик компаниялар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини ошириш керак деб ҳисоблаймиз. Хорижий компанияларнинг ҳозирда бозордаги улуши 17 % ни, мустақил дастурчилар(фрилансер) ва кичик компанияларнинг улуши эса 54 % ни ташкил этаётгани ушбу соҳада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш заруратини кўрсатади (5-расм).



5-расм. Ўзбекистонда АМХ экспорт бозоридаги компанияларнинг бозор улуши (мазкур компанияларнинг миқёсидан келиб чиқсан ҳолда)³⁰


Тадқиқотимизда АМХ экспорти борасида Ўзбекистон компаниялари хизматларидан фойдаланишга оид хорижий мижозларнинг қарорларига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар ўрганиб чиқилди (6-расм).

Бу сектордаги катта улушни АМХни экспорт учун ишлаб чиқиш эгаллайди, яъни АМХ аутсорсинги. Ушбу тушунча ўз ичига АМХни буюртмага ва тайёр «кутичали» маҳсулотларни экспорт қилиш учун ишлаб чиқишни олади.

Мамлакат ички эҳтиёжларини қондириш учун, хусусан, давлат органларини, импорт қилинадиган ахборот маҳсулотлари ва хизматларни маҳаллий дастурчилар томонидан маълум дастурний воситалар яратилмоқда.

²⁹ <https://www.tadviser.ru/index.php>

³⁰ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.



6-расм. Дастурий таъминот экспорти борасида Ўзбекистон компаниялари хизматларидан фойдаланишга оид хорижий мижозлар-нинг қарорларига таъсир кўрсатувчи омиллар³¹

Мамлакат ички эҳтиёжларини қондириш учун Ўзбекистонда фаолият юритаётган дастурчилар томонидан дастурлар яратилмоқда. Linux операцион тизими ўрнига - Doppix, 1-С бухгалтерия ўрнига – БЭМ, шунингдек, UZCDL-билим даражасини баҳолаш тизими, Norma каби турли ахборот маҳсулотлари ва хизматлари яратилган.

Хозирда мамлакатимиз истеъмолчилари ва ишлаб чиқарувчилари манфаатлари учун хизмат қилувчи маҳаллий ахборот маҳсулотлари ва хизматларининг ягона реестри www.software.uz сайти яратилган бўлиб, давлат органларининг эҳтиёжлари учун зарур бўлган ахборот маҳсулотлари ва хизматлар сотиб олиш имкононияти мавжуд.

Дастурий ва аппарат таъминотини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, Интернет-хизматлар ва веб-ечимлар тақдим этиш, тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш соҳасидаги корхона ва ташкилотларни бирлаштирувчи уюшманинг фаолият йўналишлари қўйидагилардан иборат: уюшма аъзоларининг ҳуқуқий манфаатлари, жумладан интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояланишини таъминлаш; маҳаллий ва ҳалқаро бозорларда уларнинг ракобатбардошлигини оширишга кўмаклашиш; АКТни тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни илгари суриш ва унда иштирок этиш; уюшма аъзолари ўртасида ўзаро аутсорсингни ривожлантириш; уюшма аъзолари тажриба алмашиши мақсадида анжуманлар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркаларни ҳамда бошқа тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш.

Таҳлиллар натижалари асосида мамлакатимизда АМХ бизнесини ривожлантиришнинг қўйидаги асосий йўналишларини кўрсатиши-миз мумкин: “Ахборотлашган жамият 2011-

³¹ Муаллиф тадқиқотлари натижасида олинган.

2020” (Россия), “Ахборотлашган Қозоқистон”, “2016 – 2022 йилларда Беларусия Республикасининг ахборотлаштириш стратегияси”, “Хиндистон АҚТ ва ахборот стратегияси”, “Кореяда рақамли жамият ривожлантириш стратегияси” каби давлат даструлари ишлаб чиқиш; Интернет тезлигини ошириш ва нархини арzonлаштириш; компьютер ва интернет саводхонлигини ошириш; солиқ имтиёзлари ва преференциялар яратиш; электрон хизматлар кўрсатиш, бизнес жараёнларни реинжиниринги каби соҳаларда АМХ компанияларининг давлат ва бошқа соҳа компаниялари билан ҳамкорлигини к
у
ч
а
й
т
и
р
и
ш
;

А

К Сўнгги йилларда АМХ бизнесини кўрсаткичлариниг динамикаси ўсиш тенденциясига йа бўлсада, у асосан давлат секторида кузатилмоқда. Ҳусусан, Электрон хукумат ривожланиши бўйича Ўзбекистон индексининг ўсишида электрон хизматлар кўрсатиш даражаси 2016 йилда 56 % ўсган бўлсада, АҚТ инфратузилмаси ривожланиши бўйича ўсиш 6 % ни ташкил этгани, ушбу индекс муқим ва мобиљ телефон алоқаси абонентлари сони, ҳаралаш ҳамда симсиз кенг полосали алоқа тармоғи, шунингдек, интернетдан фойдаланувчи аҳоли сони асосида шакллантирилганлигини ҳисобга олиш керак. Шу нуқтаи-назардан АМХ бизнесини ривожлантиришга комплекс ёндашиш, унинг турли бўғинларини алоҳида ривожлантиришга, ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг таъсири ва натижаларини чуқур даҳлил этишга эътибор қаратиш заруриятини кўрсатади.

а

Хулоса ва таклифлар

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётининг ахборотлашган жамиятга оид кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган ва ривож-ланаётган давлатлар миллый иқтисодиётида ахборот маҳсулотлари ва хизматлари улушининг мунтазам ошиб бориши тенденциялари кузатилмоқда. Ушбу таҳлиллардан шундай хулоса қиласа бўладики, инновацион иқтисодиётга ургу берилаётган бир вақтда мамлакатлар иқтисодиёти айнан ахборот маҳсулотлари ва хизматларининг ҳисобига юксалаётганини ва ушбу соҳа инновацион иқтисодиётнинг асосини ташкил қилаётганини кузатиш мумкин.

т 1. Ахборот маҳсулотлари ва хизматлари соҳасини тўғри илмий асосланган ҳолда ва ривожланган мамлакатларда тадбиқ қилинган тажриба-лар асосида ривожлантириш мамлакатда ахборотлашган жамият ва иннова-цион иқтисодиёт шакллантиришга хизмат ғилади.

2. Шуни ҳисобга олиш керакки, ахборот маҳсулотлари ва хизматларини таркибий жиҳатларини чуқур таҳлил қиласдан, айнан бугунги тенденцияларни ҳисобга олмасдан, унинг ўзига ҳос томонларини ўрганмасдан туриб ушбу соҳада тадбиркорлик ва бизнес жараёнларни ривожлантириш мумкин эмас. Шу жиҳатдан мамлакатимизнинг ўзига ҳос муҳим томонларини ўрганиш ва шу асосида муаммоларни юзага олиб чиқиш ҳамда ечимлар топиш эртанги рараккиётнинг гарови ҳисобланади.

а

н

т

л

а

р

н

и

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати рўйхати:

1. Бобоҷонов А.Б. “Ўзбекистонда Аҳборот маҳсулотлари ва хизматлари бизнесини ривожлантишнинг услубий жиҳатлари” номли автореферидан 2018й. 206.
2. Г.Қ. Абдураҳмонова “Замонавий дунё: Ижтимоий тармоқлар инсон ресурсларини бошқаради” <https://review.uz/oz/post/zamonaviy-dunyo-ijtimoiy-tarmoqlar-inson-resurslarini-boshqaradi>
3. Экономика и социология труда. Учебник Проф. А.Я.Кибанова М.: ИНФРА-М. 2012 – 584 с.
4. Облачные вычисления (Cloud computing). 2012. URL:
<http://www.tadviser.ru/index.php>
5. Тихомиров В. П., Тихомирова Н. В., Днепровская Н. В., Селетков С. Н., Павлековская И. В., Днепровская Н. В. и др. Россия на пути к smart-обществу. Монография. — НП «Центр развития современных образовательных технологий», отпечатано в типографии ООО «Компания Панда», 2012 г.
6. Юрасов А.В. Электронная коммерция: Учебник. – М.: Дело, 2003. стр.260.

